**Мирзахимов Ровшан Миргапарович** – “Ўзқабель” акциядорлик жамияти прессловчиси, Тошкент шаҳри

**Муминова Мелихон Шокировна** – Қўқон шаҳридаги “Етти ранг” хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати раиси, Фарғона вилояти

**Мусаев Бахромжон Рахмонкулович** – Жалақудук туманидаги “Яшасин фаҳри” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Назаркулов Тўйчи Турдикулович** – “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонасининг 67-кўприк қуриш отряди кран машинисти, Тошкент шаҳри

**Назарматов Рустам Бахтиярович** – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши қошидаги Ёшлар медиа маркази оператори

**Назаров Аскар Мухаммадиевич** – “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Марказий геология-қидирув экспедицияси бургулаш ускунаси машинисти, Навоий вилояти

**Нарбаев Анвар Келдибекович** – “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонаси бош муҳандиси

**Ниязова Сураё Нуралиевна** – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Янгиер шаҳар Кенгаши бош мутахассиси, “Камалак” болалар ташкилоти раиси, Сирдарё вилояти

**Норбоев Чори Самандарович** – Муборак туманидаги “Муборак” қорақўлчилик-насличилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**Нугманов Собит Самсоқжонович** – Наманган шаҳридаги “Афруз Камол” масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти

**Орипов Дилшод Аъзамович** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти директори

**Ортиқова Мухаррамхон Уматалиевна** – Чортоқ туманидаги “Бўлон” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Поянов Даврон Холмуродович** – “Сурхон пармалаш ишлари” акциядорлик жамияти пармаловчиси, Сурхондарё вилояти

**Пулатова Шаҳодат Муҳидинова** – Гулистон шаҳридаги “Лочин” хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати раиси, Сирдарё вилояти

**Раджапов Мансур Кучкарочив** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи

**Райимов Алижон Бахромович** – Фарғона шаҳридаги “Евроосиё Тапо-Диск” қўшма корхонаси қопилловчиси, Фарғона вилояти

**Раманов Тайир Сапарбаевич** – “Ўзэлектромонтаж” акциядорлик жамиятининг “Нукус электромонтаж” масъулияти чекланган жамияти электр монтажчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рахматов Имом Мамадиевич** – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

**Рузибаева Рисолат Фахриевна** – “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Нурота тумани таянч пункти директори, Навоий вилояти

**Рустамов Гайратжон Гадович** – “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятининг бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

**Сапаров Махмуд Уралович** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Термиз локомотив депоси тепловоз машинисти, Сурхондарё вилояти

**Саттаров Дилшод Нематович** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуи молияси бошқармаси бошлиғи

**Саттаров Баходир Очилович** – “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Оқ-сув” ирригация тизими бошқармаси гидроучастка бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Саттаров Немат Шодиевич** – Шеробод туманидаги “Хўжайконтуз” масъулияти чекланган жамияти бош механиги, Сурхондарё вилояти

**Сидиков Хуснидин Пардабаевич** – “Ўзбеккумир” акциядорлик жамиятининг “Белазкумир” филиали бульдозер машинисти, Тошкент вилояти

**Собирова Насибохон Анваровна** – Уйчи тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Наманган вилояти

**Суванова Зоҳида Туллубековна** – Республика Маънавият тарғибот марказининг Бекобод тумани бўлими раҳбари, Тошкент вилояти

**Сулайманов Нуритдин Сағдуллаевич** – “Жиззах пластмасса” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи машинисти, Жиззах вилояти

**Тахирова Зияда Нигматуллаева** – Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри

**Ташев Алишер Эргашевич** – “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” унитар корхонасининг қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Ташматов Абдумуним Абдуваитович** – “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи катта устаси, Тошкент вилояти

**Тоджиев Исқандар Адиевич** – “Ўзбекис-

тон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг Ўқув-машғулот маркази ўқувчи-йўриқчиси

**Тростянский Дмитрий Валерьевич** – Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази етакчи таҳлилчиси

**Тулиева Муҳаббат Тургуновна** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Ховос сигнализация ва алоқа дистанцияси етакчи муҳандиси, Сирдарё вилояти

**Тураев Файзулла Эрдонович** – “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Шимоллий кон бошқармаси сульфат кислотаси цехи бошлиғи, Навоий вилояти

**Умарова Озода Гайратовна** – Чилонзор туманидаги “ВеРо-дистурчилар маркази” масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Утанов Алишер Аҳмаджонович** – “Қувасойцемент” акциядорлик жамиятининг майданлаш участкаси тегирмон машинисти, Фарғона вилояти

**Файзиева Джамила Исмомидинова** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси муҳандиси, Жиззах вилояти

**Файзиева Дилором Хуснидинова** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

**Ҳайдаров Жамшид Темурович** – Урганч туманидаги “Ург-газ карпет” қўшма корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

**Ҳайдарова Хайриниса Хужамбердиевна** – Балқич туманидаги “Антеск” масъулияти чекланган жамияти оператори, Андижон вилояти

**Хайитбаев Баходир Атаханович** – Урганч шаҳридаги “Огаҳий коммунал сервис” хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати раиси, Хоразм вилояти

**Халиков Азамат Камилевич** – Қизилтепа туманидаги “Темур-Малик” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Хамроев Дилмурод Холмуродович** – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Сурхондарё вилоятидаги “Хандиза” кон бошқармаси лаҳимчиси

**Хасанов Яхшибой Шамуратович** – Иштихон туманидаги “Асалчи Элдор” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Хасанова Санобар Искандаровна** – Хива туманидаги “Хоразм гиламлари” масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси, Хоразм вилояти

**Хашимов Гулом Улмасович** – “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятининг азот кислотаси цехи смена бошлиғи, Фарғона вилояти

**Ходжаев Фарход Халимович** – Ғузур туманидаги “Озод фаровон қурилиш” масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

**Хожиматов Абдуллажон** – “Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг Избоскан тумани бўлими раиси, Андижон вилояти

**Холмуродов Дилбар Уринбоевна** – Жиззах шаҳридаги “Қипчоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Худайберганов Бахтиёр Эргашевич** – Чиноз тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-қайта-қуриш корхонаси автокаток машинисти, Тошкент вилояти

**Шамсиева Гулнора Бақоевна** – Ғиждувон туманидаги “Тошлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**Шодиева Дилфуза Октябровна** – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши қошидаги Ўқув-услубий марказ директори

**Шомирадов Шухрат Шомахсустович** – “GM Powertrain – Uzbekistan” акциядорлик жамияти директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари – техник хизмат кўрсаткичи бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

**Шукуров Рустам Закирович** – “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали бўлим бошлиғи

**Элмуратов Нарзулла Хасанович** – “Бёёвтур агротехсервис МТП” масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

**Эргашев Ризокул Тухтаевич** – “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи қурилма бошлиғи ўринбосари, Бухоро вилояти

**Эргашев Сатор Салоҳидинович** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси бошлиғи, Бухоро вилояти



«Давони. Бошланғич 1-саҳифада»

Кўнун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш бўйича Сенат қўмиталари ва комиссияларининг, ҳар бир сенаторнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар нормалари ишлаш учун зарур бўлган қонуности ҳужжатлари ўз вақтида эълон қилинишини ва ҳуқуқни қўллаш ҳолатини мунтазам назорат қилиш устувор вазифалар қаторида тилга олиб ўтилди. Бунда сенаторларнинг кундалик иш услубида мустаҳкам ўрин олиши лозим бўлган парламент назоратини амалга ошириш расмийликни ишга солиш муҳим аҳамиятга эга. Маърузада минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мувозанатига эришишга, қонунийликни, қўнун устуворлигини таъминлашда парламент ролини оширишга қаратилган Сенат фаолиятининг самардорлигини ошириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг сенаторлар ялли мажлис кун тартибига мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда демократлаштиришга қаратилган қонунларни кўриб чиқишга киришдилар.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қўнун ёшлар сиёсатининг асосий қондалари, бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, тўғридан-тўғри таъсир қилишни ахлит қўнун ҳужжатида мужассам этиш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қўнунда хозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг қўйидаги устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларни, ёшларнинг очик ва сифатли таълим олишини таъминлаш, ёш авлодининг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмақлаш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни қўнунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат рўйида тарбиялаш, ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зуравонлик ва шадфатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва ҳўқоказ.

Қўнунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жаавобгарлиги аниқ белгилаб берилмоқда. Ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини таъминлашга қаратилган талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шак-шўбҳасиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилмоқда.

Қўнун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, энг аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва оммавий ахборот воситаларининг ролни ҳамда ўрнини кучайтиришга ҳам қаратилган. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги ролни ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қўнун ҳужжатлари ва давлат дастурлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилмоқда.

Сенаторлар қайд этганларидек, қўнуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимиз ёшларини XXI аср талабларига тўлиқ жаавоб берадиган ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар самардорлигини оширишга хизмат қилади. Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2016 йил 24 август

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

« Давоми. Бошланғич 1, 4-сакхифаларда

Шундан сўнг сенаторлар "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланган ва парламентнинг қўйи палатасига киритилган ҳамда ички ишлар органларининг мақомини, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усулларини аниқ белгилаб беришга қаратилган.

Мажлисида ушбу қонун ички ишлар органлари тизими ва тузилишини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда ваколатларини, уларнинг ходимларига нисбатан қўйилган талабларини, шунингдек, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини аниқ белгилаб бериши таъкидланди.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартибни ва жамоат хавфсизлигини, юридик ҳамда жисмоний шахслар мол-мулки ҳимоясини таъминлаш вазифалари юклатилмоқда.

Ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фож қилиш, жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини белгилаб қўйиш уларнинг жамият ва давлат олдидаги жавобгарлигини оширади.

Қонунда ички ишлар органлари хизматига қабул қилишга доир қўйилган асосий талабларга, хизмат ўташ шартларига алоҳида ўрин ажратилган.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонун ички ишлар органлари нуфузини мустаҳкамлашга, улар фаолиятида қонунийликни таъминлашга, шунингдек, ходимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича жавобгарлигини оширишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисида табиати муҳофаза қилиш соҳасига доир қонунлар ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янгича таҳрири) кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, қонуннинг асосий мақсади ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича асосларини янада такомиллаштиришдан, ҳайвонот дунёсини объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш тизими самардорлигини оширишдан, уларнинг яшаш муҳитини сақлашдан, шунингдек, қонуннинг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлашдан иборат.

Амалдаги қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонлар генотипини комплекс ҳимоя қилиш нуктаи назаридан қонунчилик ҳужжатларидаги нуқсонларни бартараф этишга, қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашга.

Қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирларни рўйбга чиқаришда давлат органларининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотажират ташкилотларининг ва фуқароларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Ҳайвонот дунёсини объектларини олиб кириш ва олиб чиқишнинг ҳуқуқий режими, табиий муҳитдан "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонлар ажратиб олинишини тақиқлашни, ҳайвонот дунёсини объектларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг яшаш муҳитини сақлаш бўйича биотехник тадбирлар ўтказиш тартибни белгилаб берувчи нормалар қонуннинг муҳим қоралари бўлади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ва назорат олиб бориш, ҳайвонот дунёсини объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш масалалари қонунда алоҳида кўриб чиқилади.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши табиий шароитларда ёввойи ҳайвонларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар самардорлигини оширишга, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янгича таҳрири) кўриб чиқдилар.

Мажлисида сенаторлар янги қонун ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, ундан оқилона фойдаланиш тизимининг самардорлигини оширишга, атроф-муҳит бус-бутунлигини ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитни сақлашга қаратилганлигини қайд этдилар.

Қонунда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланишини таъминлаш борасидаги субъектларнинг ваколатлари, ўсимлик дунёсини объектларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, карантин тадбирларини ўтказиш талаблари аниқ белгилаб берилган. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ҳамда назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асослари белгиламоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши табиатнинг барқарорлигини, биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, хусусан, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик организмлари генотипини асраш, мамлакат минтақаларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яратиш ва кенгайтириш ҳамда ўсимлик дунёсини объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш соҳасида норма ҳамда нормативларни ишлаб чиқиш борасидаги муносабатларни қонуний йўл билан самарали тартибга солиш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кўни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Яратувчанлик ва бунёдкорлик йўли



Ўтаётган ҳар бир кун қанчалар қадрли ва азиз эканлиги барчамизга аён. Истиқлолимиз солномасида ўзига хос из қолдираётган чорак аср давомида мамлакатни ҳар жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодий ётти янги асосда ташкил этиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва яшаш сифатини ошириш, ҳуллас, барча соҳаларда рўй берган тарихий ўзгаришларни бугун ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, тақдири мисолида кўриб, билиб, чин юракдан ҳис этиб турибди.

Мустақилликнинг илк йилларини ёдга олсак, бизга собиқ иттифоқдан жар ёқасига келиб қолган, иқтисоди батамом издан чиққан давлат, аҳолининг эртанги кунга ишончини сўндирган оқлик, қашшоқлик каби ижтимоий муаммолар мерос бўлиб қолганини кўрамиз. Уша даврда Ўзбекистон барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада турарди. Бугун-чи? Мустақиллик йилларида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида, тарихдан жуда қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 6 баробардан кўпроқ ўсиб, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 12 баробар ошди. Кейинги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмади келмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда sanoatning улуши 34 фоизга етган, экспорт таркибиде таёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётган мамлакатга айланди.

Шу йилларда мамлакатимиз ўзининг автомобилсозлик sanoatiga асос солди. Биз учун мутлақо янги бўлган нефть ва газ кимёси, нефтьга ва темир йўл машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари sanoati, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик sanoati каби соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқларимизни дунё тан олмоқда.

Биргина мисол. Устурт газ-кимё мажмуини олиб кўрайлик. "Infrastructure Journal" халқаро наشري ушбу лойиҳани "Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими" нуфузли мукофоти билан тақдирлади. Бу ҳеч шубҳасиз, нафақат мазкур мажмуанинг, балки мустақил Ўзбекистон олиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Бу каби лойиҳалар, қурилишлар, sanoat

корхоналари нафақат йирик шахарларда, балки юртимизнинг чекка-чекка туманларида ҳам барпо этилаётганлигини алоҳида эътироф этишимиз керак.

Истиқлол шарофати билан миллий иқтисодий ривожнинг энг муҳим тармоқлари – тадбиркорлик ва фермерлик соҳаси ҳам улкан тараққиётга эришди, дейишга бизда тўла асос бор. Энг аввало, бу тармоқнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Хусусан, Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмасдан, яъни ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаёқ конституциявий норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган "Мулкчилик тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунлар асосида қисқа муддатда sanoat, savdo, umumiy ovqatlanish ва хизматлар соҳаларидаги ўн минглаб, юз минглаб давлат мулки бўлган объектларни хусусий мулкка айлантириш имкони яратиб берилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк дахлсиз эканлигининг ҳуқуқий замини яратилди. Биргина 2012-2014 йилларда хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ўн бешдан ортик қонунлар қабул қилинди. Айтиш мумкинки, бу каби ҳуқуқий ҳужжатлар одамлар онгида мулкка, жумладан, тадбиркорлик фаолиятига янгича муносабатни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этди.

Эспайлик, 25 йил аввал Ўзбекистонда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик тушунчаси деярли йўқ эди. Бугун эса мавжуд барча ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Бунинг натижасида, мустақилликка қадам мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган бу соҳа ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда меҳнатга лаёқатли жами аҳолининг 77,9 фоизи банд. Айни вақтда, улар барча ҳудудларда, хусусан, чекка-чекка қишлоқларда ҳам ободончилик, бунёдкорлик ишларида катта ҳисса қўшмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли мана-ман деган давлатларда ҳам ишсизлар сони тобора кўпаяётган, тадбиркор, ишлаб чиқарувчи, фермерлар фаолияти издан чиқаётган бир пайтда Ўзбекистонда ҳар йили 1 миллион атрофида янги иш ўрни ташкил этилмоқда. Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Ҳўш, бу натижаларга қандай омиллар эвазига эришилмоқда? Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз томонидан иқтисодиётимизни ривожлантиришда ўз ўрнига эга бўлган тадбиркор ва фермерларга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг 1991 йил 29 ноябрдаги "Республикада деҳқон (фермер) ҳўжалиқларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони фермерлик ривожига замин яратди. Ушбу фармон асосида ўтган йилларда соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий қўмак берилди. Биргина мисол: 1991 йилда юртимизда 940 минг тонна галла етиштирилган, ҳар гектардан ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 8 миллион тоннадан зиёд сара дон етиштирилиб, галладан ўртача 55 центнердан ҳосил олинмоқда. 1990 йилда аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, дон, картошка, гўш, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, бугунги кунга келиб, фермер ҳўжалиқлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бермоқда.

Энг муҳими, мустақиллик туфайли дунёга келган тадбиркор ва фермерлар кўлами ўтган йигирма беш йил давомида мустаҳкам оёққа туриб, бугун мамлакатимиз, унинг келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган мустаҳкам таянчга айланди, десак муболага бўлмайди.

Ҳа, асрларга татигулик ўтган 25 йил ичида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида том маънодаги улкан ўзгаришлар даври бўлди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, эришилган ютуқлар замирида сиёсий партияларнинг ҳам ўз ўрни ва муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳам ислохотлар изчиллигини таъминлашда фаол қатнашиб, ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга кенг татиқ этиб келмоқда. Жумладан, ёшлар билан ишлаш йўналишида 2004-2016 йиллар давомида "Буюк келажак сари", "Диплом билан – бизнесга", "Ёш фермер", "Келажак фермери", "Сенинг тенгдошинг", "Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим" каби 15 га яқин турли ижтимоий-иқтисодий лой-

иҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Эътиборлиси, мазкур лойиҳаларнинг аксарияти ҳозирги кунгача давом эттирилмоқда.

Асосийси, лойиҳаларимиз орқали қўллаб ёшлар, айниқса, чекка-чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган навқирон авлод вакиллари ўзларининг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш билан бирга, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирган ҳолда ўз бизнесларини самарали йўлга қўйишмоқда. Мисол учун, "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасининг ўтган даврдаги таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2011-2015 йиллар мобайнида жами 50 минг нафар ёшлар лойиҳага жалб қилинган, шундан қарийб 4 минг нафари 22.5 миллиард сўм миқдорда кредитлар олишга эришгани, эътиборга моликдир.

Бугун барча соҳаларда бўлгани каби, мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи саналган тадбиркорлик ва фермерлик йўналишида ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр, иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда. Эътиборлиси, мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш баробарида ёш тадбиркор ва фермерлар тенгқурлари бандлигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу борада ҳам партия бир қатор хайрли ишларга қўл урмоқда.

Хусусан жорий йилнинг август ойида O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Ёш тадбиркор ва фермерлар форуми ташкил этилгани фикримиз тасдиғидир. Унда 300 га ёш яқин тадбиркор ва фермерлар қамраб олинди. Айтиш жоизки, форум юксак салоҳиятли ва интеллектуал савияси ошган авлодни тарбиялаш, ижтимоий фаол, иқтидорли ёш тадбиркор ва фермерларнинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда ўзига хос синов, имтиҳон вазифасини ўтади.

Мухтасар айтганда, истиқлолнинг 25 йили тарих учун бир лаҳза. Бироқ ана шу қисқа муддатда юртимизда амалга оширилган ишлар салмоғи ва кўлами билан асрларга тенг десак муболага бўлмайди. Бугунги Ўзбекистон – янгидан-янги имкониятларни намоён этаётган, барча қийинчиликларни енгиб, мустақиллик йўлидан истиқбол сари дадил қадам ташлаётган, халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган давлат сифатида эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Бу эса улуг халқимизнинг асрий орзулари ушалган мустақиллик даврида эришилган муваффақиятларимизнинг мазмун-моҳиятини аниқлаб етишга хизмат қилади.

Содиққон ТУРДИЕВ, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Қалблар фахрга тўлди



Ахмаджон ҒОҒУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Рио-де-Жанейро. 2016 йилнинг 21 август санаси. Бу кунни энди ҳаяжон, фахр билан тилга оламиз. Гувоҳи бўлганимиздек, шу кунни боксчиларимиз тўрт йилликнинг нуфузли тадбири XXXI Олимпия ўйинларида тарихий ғалабаларни қўлга киритиб, барчамизни хушнуд этишди. Бугун улар ҳақида ҳар қанча фахрланиб сўзласак, шунча оз.

Бугун дунёнинг энг ривожланган давлатлари спортчилари ҳам бундай нуфузли мусобақаларда бизнинг спортчиларимиз билан ҳисоблашияпти. Шундай бўлиши табиий. Зеро, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ жисмоний тарбия ва спорт ривожига, айниқса, бокс, дзюдо, эркин кураш каби ўнлаб оммавий турларига катта эътибор қаратиб келинаётгани ўз самарасини бермоқда. Ўтган қисқачина давр мобайнида шахару қишлоқларимизда бири-бирдан қўрқам ва замонавий спорт мажмуалари, бокс заллари бунёд этилди, соҳа мутахассисларнинг

салоҳиятини ошириш, мураббийларни моддий-маънавий рағбатлантириш учун барча шарт-шароит яратилди.

Буларнинг барчаси соғлом ва баркамол авлодни, ўз навбатида, жаҳон ареналарида дбиримиз нуфузини тобора ошираётган қўллаб спортчиларни етказиб беришга асос бўлмоқда.

Тарихдан яхши маълумки, бизнинг Шарқ заминиде, бизнинг она туپроқда ўтмишда ҳар томонлама фахрланишга арзийдиган буюк алломалар, энгилмас саркардалар, паҳлавон ва баҳодирлар етишиб чиққан. Оққан дарё оқаверади, деганларидек, ниҳоят, мустақил юртимиз олимпиядчилари ана шундай улуг аждодларимизнинг ҳақиқий во-рислари эканликларини намоиш этиб, энг юксак шоҳсулага кўтарилиб, Ватанимиз довуруғини дунёга ёйди, халқимиз ишончини оқлашди. Бу эса улар қаторида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч қимдан ҳеч қачон кам бўлмагани ва кам бўлмаглигининг амалий исботи бўлди.

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

## Оққан дарё оқаверади

# 25 йил

«Давоми. Бошланғич 1-сакҳида»

Олимпиада мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйи арафасида бўлиб ўтгани спортчиларимиз зиммасидаги масъулиятни икки карра оширди. 70 нафар ҳамюртимиз иштирок этган мусобақаларда вакилларимиз 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 21 ўринни қўлга киритди. Бу кўрсаткич Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида иккинчи, Осиёда тўртинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида эса биринчи натижадир. Мусобақаларнинг сўнгги икки кунини спортчиларимиз учун, айниқса, сермахсул бўлди. Делегациямиз вакиллари яна 2 олтин ва 2 бронза медалини қўлга киритиб, медаллар сонини 13 тага етказиб олишди.

Одатда, рақамларни гапиртиришдан осони йўқ журналист халқига. Аммо бу рақамлар ортдаги машаққатлар ва тинимсиз меҳнат ҳақида уйлаш галабалар моҳиятини янада теранроқ тушунишда муҳим роль ўйнайди.

Демак, бу галабалар ҳаммамининг ютуғимиз, ҳар томонлама соғлом фарзандларни тарбиялаш борасида олиб борилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. Иқтидорли, интилувчан, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришга қаратилган сиёсатимизнинг натижаси десак, янглишмаймиз. Зотан, ҳеч қайси юртда болалар спортини ривожлантиришга бу қадар юксак эътибор ва ғамхўрлик қилинмайдиган, ҳеч қайси мамлакатда ажойиб тизим – уч босқичли “Умид николлари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларига ўхшаш ўзига хос синовлар ўтказилмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу ўзбекистонда спорт умуммиллий ҳаракатга айланганидан далолат беради.

Яна бир гап. Ушбу мақолани ёзишдан аввал олимп совриндорларининг таржимаи ҳоли, эришган ютуқлари билан танишиб чиқ-



дим. Эътиборли жиҳати, уларнинг деярли барчаси даставвал анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “кичик олимпиадалар”да қатнашиб, тажриба орттиришган. Бу эса уммон ортда эришган ютуқларимизнинг бош омили бўлганлигини яна бир бор исботлайди.

Рио Олимпиадаси қаҳрамонларининг аксарияти болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ва мураббийлари эканини инобатга оладиган бўлсак, унинг мамлакатимиз спортини доғруғини дунёга танитаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Масалан, Олимпиада чемпиони Шаҳобиддин Шокиров ва бронза медали соҳибини Рустам Тўлаганов айна дама болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилишмоқда. Демак, бундай муассасалар бундан кейин ҳам янги иқтидор эгалларини кашф этади, дейишга бизда тўла асос бор. Бразилияда қўлга киритган медалларимиз хамир учидан патир, биз ҳали бундан-да юксак натижаларга эришамиз, албатта.

Бу галги Олимпиада, айниқса, боксчиларимиз учун гоятда омадли якуланди. Улар 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритиб, 206 мамлакат чарм қўлоқ усталари қатнашган нуфузли мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳасанбой Дўстматов (49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг), Фазлиддин Фойибназаров (64 кг) – олтин, Шаҳрам Ғиёсов (69 кг), Бектемир Мелиқўзиев (75 кг) – ку-

муш, Рустам Тўлаганов (91 кг) ва Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) эса бронза медалларини қўлга киритишди. Медал жамғаришда биздан кейинги ўринларни Куба, Франция, Қозғистон, Россия ва АҚШлик боксчилар эгаллашди. Боксчиларимиз Олимпиада ўйинларида дастлабки олтин медални 2000 йилда қўлга киритганини ҳисобга олсак, ўтган йиллар давомида ўзбек бокс мактаби жадал суръатларда ривожланди, деб айтишга тўла ҳақлимиз. Зотан, илк эришган галабамиздан кейин орадан бор-йўғи 16 йил вақт ўтди, холос.

– Шогирдим Шаҳобиддин Зоировнинг ҳар бир жангини эътибор билан кузатдим, – дейди устози, олий тоифали мураббий Истам Кабинов. – Мураббий сифатида унинг маҳорати ошиб бораётганини айтишим мумкин. Айниқса, қарши ҳужумга ўтишда у рақибларидан устулигини яққол кўрсатди. Россиялик Миша Алоянга қарши ҳал қилувчи баҳсда бу имкониятдан самарали фойдаланди. Шогирдимнинг узок Бразилияда эришган муваффақияти халқимиз учун мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантаналарига муносиб совға бўлди.

Дарвоқе, боксчиларимизнинг яна бир ютуғи ҳақида гапиршимиз керак. Ҳасанбой Дўстматов “Рио – 2016” Олимпиадасининг энг яхши боксчиси сифатида Вал Баркер кубоғи билан тақдирланди. Мазкур соврин 1936 йилдан буён олимпиа ўйинларида энг ёрқин жангларни ўтказган боксчиларга бил-

риб келинади.

– Ватанимиз мадҳияси янграши биланоқ, шохсулғача бўлган қийинчиликларнинг барчаси унут бўлди, – дейди Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўстматов. – Халқимизнинг, Президентимизнинг, ота-онанинг ишончини оқлаганимдан хурсандман. Менга топширилган Вал Баркер кубоғи эса мусобақаларда юртимиз номидан қатнашган барча иштирокчиларга тегишли. Уларнинг тинимсиз, машаққатли ва ҳалол меҳнати тимсолидир.

Мақолаимиз сўнггида “Рио – 2016” Олимпиадаси турнир жадвали ҳақида сўз юритсак, яъни, биздан олдинда кимлар бор, кимларни ортда қолдирдик. Кучли ўнликда ҳар доимгидек, АҚШ, Британия, Хитой, Россия, Германия, Япония каби мамлакатларни кўриш мумкин. Шу руҳда давом этсак, яқин орада уларни қувиб етишимизга ҳеч шубҳа қолмайди. Зотан, бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Қозғистон, Швейцария, Эрон, Дания, Польша, Белгия, Португалия, Мексика, Ҳиндистон, Индонезия биздан орқада. Бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин. Олимпиада ватани ҳисобланган Греция, 1 миллиарддан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётган Ҳиндистон, Швейцария каби давлатлар ҳам медал жамғариш бўйича ўзбекистондан кейинги ўринларни банд этди. Биз билан бир вақтда мустақил бўлган Озарбайжон, Беларусь, Арманистон, Тожикистон каби мамлакатлар ҳам биз кирган

– Байрамлар байрамларга улашиб борапти. Мамлакатимизда истиқлол айёмининг чорак асрлик тантаналарига қизғин ҳозирлик кўриляётган шу кунларда яна бир тарихий воқоага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ўзбекистонлик спортчиларнинг XXXI ёзи Олимпиада ўйинларида эришган беқубе галабаларидир.

Бундай бетакрор лаҳзаларда халқимизга улкан қувонч, фахру ифтихор баҳш этган “Рио – 2016”нинг қадр-қиммати, мазмун-моҳияти кўнғилдан ўтиши табиий. Зеро, бу каби улкан ютуқларга ўз-ўзидан, тасодифан эришилмайди.

Ўзбекистон спортчиларининг Рио Олимпиадасидаги иштироки ва эришган ажойиб натижалари Президентимиз томонидан соҳа ривожига қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланди. Бунинг асосий омилли сифатида жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий ҳаракатга айланди.

Спортчиларимизнинг Олимпиада ўйинларидаги ҳар бир чиқишини нафақат уларнинг ота-оналари, яқинлари, мураббийлари, балки Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар бир юртдошимиз жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб боради, десак асло муболага бўлмайди. Энг муҳими, улар ўзларининг ишжояти ва матонати, галабага бўлган интилиши билан муҳлис муваффақиятлар хурматини қозонди. Спорт ареналарида йилгилан хорражликлар ҳам мамлакатимиз олимпиячилари иштирокидан завқланиб, уларни самимий олқишлаганларини ойна жаҳон орқали кузатиб, қалбларимиз фахрга тўлди.



**Абдурашид АБДУҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:**

кучли 25 талikka яқинлашолмади. Бор-йўғи 87 мамлакат спортчиларига медалларни қўлга киритди. Олтин медаллар эса атиги 59 давлат вакилига nasib қилди.

Ўзбекистон делегациясининг мазкур рейтингда 21-ўринда қайд этилгани истиқлолга эришганига эндигина 25 йил тўлган давлат учун оламшумул галаба. Зотан, 100 йилдан буён мустақил бўлган баъзи давлатлар Олимпиадада биз қўлга киритган муваффақиятларга эришгани йўқ. Демак, ўтган чорак асрда спорт бўйича ҳам асрларга татигулик ишлар қилинди.

Яна бир мулоҳаза. Одатда иқтисодиёти барқарор давлатда спорт ривожланиб, деган фикр юритилади. Агар шундай бўлса нега дунёнинг иқтисодий марказларида

бири Швейцария биздан кейинги ўринни эгаллади? Жавоб эса шундай: спорт ривожланиши учун, биринчи навбатда, маблағ эмас, эътибор ва ғамхўрлик керак. Спортчида ватанпарварлик туйғуси бўлиши лозим. Шу ўринда Президентимизнинг биз иқтисодий томондан дунёнинг баъзи мамлакатларидан орқада бўлишимиз мумкин, аммо маънавий жиҳатдан улардан устунимиз, деган сўзлари ёдимизга тушиди. Рио Олимпиадаси кўрсатдики, биз спорт бўйича ҳам улардан анча олдинда эканмиз. Бу бизнинг Олимпиададан олган илк хулосаларимиз. Ишончимиз комил: биз бундан-да кўпроғига қодирмиз.

**Ҳасан САЛОМОВ, “XXI asr” мухбири**

# Айём шукуҳи кезмоқда

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Нукус шаҳар Кенгаши томонидан “Элдар Бахитли” МЧЖдаги қошидаги бошланғич ташилотда “Тадбиркор ва фермер хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Унда партиянинг Нукус шаҳар Кенгаши ходимлари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси шаҳар Кенгаши, бошланғич ташилотлар раислари, тадбиркор аёллар иштирок этди.

– Мен ҳам банкдан 47 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. – деди мазкур хусусий корхона раҳбари Бахитли Қалбаева. – Қўйлақ, кўрпача, ёстиқ ва чойшаб тияқлимиз. Коллежнинг 10 дан зиёд битирувчи қизларини иш билан таъминладик.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси ва Чимбой туман Кенгашлари ташаббуси билан депутатлар, тегишли ташилотлар вакиллари иштирокида байрам тадбирларини ўтказиш анъанаси айланб қолди.



– Ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикасида 9 та спорт комплекси, мактаблар қошида 62 та янги спорт зали, 5 та спорт майдончаси, 4

та спорт иншооти ва 3 та сузиш ҳавзаси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши депутати Ойжамол Юсупова. – Кейинги етти йилда мусиқага иштиёқ банд болалар ва ёш ўсмирлар учун 33 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилиб, 19 та мусиқа мактаби янгидан қурилди. Истиқлолга қадр ҳудудда фақат 2 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 8 тага етди.

Тадбир якунида партиянинг фаол аъзоларига фахрий ёрликлар топширилди.

**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Истиқлолимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида O'zLiDeP Бектемир туман Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда парламент кўйи палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жаҳаларида улкан ютуқлар қўлга киритилгани ҳамда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича фикр юритишди.

Мустақиллик буюк незмат эканини халқимиз тобора чуқурроқ тушуниб етаяпти. – деди O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров. – Истиқлолимизнинг илк йилларида бошланган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилаётди. Шундай экан, яратилган имкониятлардан фойдаланиш билан бирга истиқлол берган незматларнинг қадрига етишимиз, уни асраб-авайлашимиз керак.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир сўнггида до-риламон кунларни тараннум этувчи дилбар куй ва кўшиқлар янгради.

**Ўз мухбиримиз**

### НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Навахор туманидаги “Қоратоғ чорваси” фермер ҳўжалигида O'zLiDeP маҳаллий Кенга-

ши томонидан Савдо-саноат палатаси, туман Фермерлар кенгаши ҳамда “Бешрабат” қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда “Тадбиркорлик ва фермерлик ривожини – фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишнинг муҳим шартини” мавзусида амалий мулоқот бўлиб ўтди.

Қайд этилдики, мустақиллик йилларида соҳага оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, изчил ислохотлар натижасида фермерлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг деярли ҳаммасини етказиб бермоқда. Аҳолининг асосий озиқ-овқат товарлари, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган даврда аҳоли жоң бошига гўшт истеъмоли 1,4, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортик, мева 6,3 марта кўпайгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилли бўлмоқда.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам тадбиркор ва фермерликни янада ривожлантириш ҳамда тегишли маслаҳат беришдан иборат.

**Шермурод БЕКМУРОДОВ, Навбахор Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, O'zLiDeP фаоли**

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP Оқолтин тумани Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоллари томонидан ўтказилган “Ватан тақдирига дахлдорлик – олий мақсадимиз” номида давра суҳбатида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаркати туман бўлими, туман ФХДБ бўлими ходимлари, туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари, “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш тадбиркорлар иштирок этди.



O'zLiDeP Сирдарё вилояти Кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Д. Турақулов ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш масаласига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Гулистон академик лицейи талабаси Нодира Ғозиева ҳам ёш авлоднинг истеъдодига йўл очиб, уларни янги марралар сари руҳлантириш амалга ошираётган ислохотларимизда устувор ўрин эгаллаётганини билдирди.

O'zLiDeP Сайхунобод тумани Кенгаши “Ёшлар қаноти” ва “Анармет Ниязов” номидаги болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш спорт мактаби ҳамкорлигида “Юксак марраларни кўзлаган авлод” номли маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Ушбу тадбир истиқлолимизнинг 25 йиллик тантанаси ҳамда мазкур спорт мактабининг 5 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.



Сайхунобод тумани ҳокими вази фасини вақтинча бажарувчи Зафар Сувонов ушбу спорт мактабининг қисқа вақтда эришган ютуғи, тарбияланувчиларнинг вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштироки хусусида гапирди.

Қайд этилганидек, 2011 йилда, мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида тадбиркор, O'zLiDeP аъзоси, вилоят Кенгаши депутати Улуғбек Ниязов мазкур спорт мактабини ишга тушириб, туман ёшлари ихтиёрига топширган эди. Дастлаб иккитагина йўналишда спортчилар тайёрланган бўлса, ҳозирда тазквандо, бокс, дзю-до ва оғир атлетика йўналишида тумандаги 5 та мактаб ва 2 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари мунтазам шугулланмоқда.

Тадбир давомида спортнинг турли йўналишларида юқори марраларни эгаллаган мактаб тарбияланувчилари ўз дастурларини ҳавола этишди.

**Ҳасан ЖАББАРОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri**

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ангрэн шаҳрида O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши томонидан “Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим” мавзусида ташкил этилган тадбирда депутат, сиёсатшунос, тадбиркор ва фермерлар иштирок этишди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Назирқулов, Ангрэн шаҳар ҳокими И. Раҳмонов, қарат ўйича Ўзбекистон ва жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори С. Абдуҳакимова мустақиллик фуқароларимизга кенг имконият яратгани, айниқса, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкдорлар синфининг тўла шаклланиши натижасида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 8 фоздан кам бўлмаётгани, турмуш даражамиз кун сайин яхшиланаётганини қайд этишди.

Тадбир давомида иштирокчилар бу шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишишди. Шу кун Ангрэн шаҳридаги “Қувур заводи”да янги бошланғич партия ташкилоти тузилиб, партияга аъзо бўлган завод ходимларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Зиёдулла МҮМИНОВ “XXI asr” мухбири**

# КЎЗГУ

ИБРАТ

## Ойнисанинг ойдин кунлари

✓ ...Саксонинчи йиллар. Иштихонлик Фарҳод Номозов олийгоҳни тугатиб, қишлоғига шошилди. Унинг орзулари бисёр эди. Болалигидан қишлоқни, тупроқ йўллари шаҳардагидек обод қилсам, туманимизни боғ-роғга айлантурсам дерди. Соҳаси бўйича катта идораларда ишласа-да, режасини амалга оширишга бирор йўл йўқ эди. Боз устига Ойнисахон билан турмуш қурганига ўн йилдан ошса-да, фарзанд кўришмади. Аммо ўзаро ишонч ва меҳр бир-бирини суяб яшашга ундарди.

Шундай кунларнинг бирида мамлакат бўйлаб истиқлолнинг умидбахш шабадалари эса бошлади. Кўнглининг тубида армон бўлиб қолган орзулари қайта уйғонди, Қорақўйли қишлоғининг даштидан 9 гектар ер олиб, "Қорасув" фермер хўжалиги ташкил

эди. Авваллари бу ерда пахта экилиб, гектаридан зўра 20 центнердан ҳосил олинарди. Бундай ерда боғ яратилишига кўпчилик ишонмади, лекин турмуш ўртоғи билан ўз мақсади сари интилиб, биргаликда меҳнат қилди. Узум, олма, ўрик, гилос, шафтоли

каби меваларнинг сара навларини олиб келиб экди.

— Кечагидек ёдимда, чўлу биёбонда аёлим иккимиз илк кўчатни ерга қадаётганимизда кўзда ёш билан: "агар мана шу кўчат кўкариб ўсса, биз ҳам фарзанд кўриш бахтига муяссар бўламиз", дея умид қилган эдик. Не ажабки, ниҳоллар гулга кирган йили биз ҳам фарзандли бўлдик, — дейди турмуш ўртоғи Ойниса Мўминова кўзида севинч ёши йилтираб. — Боғимиз баракали бўлди. Ҳамқишлоқларимизнинг ўн нафари бизга ёрдамлашди. Шу боғ орқасидан уларнинг хонадонига ҳам барака кирди. Тўйлар-тўйларга уланди. Янги-янги уй-жойлар қурилди. Қишлоғимиз ҳам обод бўлди. Маҳсулотларимиз ички бозорга чиқарилиши билан бирга йилига юз тонналаб Россияга экспорт қилдик.

Турмуш ўртоғим оламдан ўтгач, бир-икки йил ҳеч нарса кўнглимга сиғмай қолди. Лекин ҳар сафар боғнинг олдидан ўтаверсам, у кишининг руҳини шод этиш учун ҳам ишни давом эттиришим зарур, деган хаёл бошимда чарх айланаварди. Туманимиз ҳокимининг кўмаги билан "Одиллик Хуббимов Фарҳод" фермер хўжалиги номи билан фаолиятимизни қайта тикладик. Жорий йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича туман қолиби, вилоятда эса 2-ўринни эгалладик. Келгусида чорва молларини кўпайтириб, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ташкил этиш ниятидамиз. Энг муҳими, инсон бу ҳаётда ҳамиша эзгу ният ва амал билан яшashi керк экан.

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
"XXI asr" мухбири



### САБАБИНИ ТУШУНМАДИМ

— Йигирма йиллик иш стажим бор. Икки ой олдин 55 ёшга тўлдим. Бошқа вилоятда яшовчи сингелимизга меҳмонда бўлганим сабабли, яқинда ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб, Пенсия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат этдим. Аммо бўлим ходимлари менга мурожаат этган кунимдан бошлаб пенсия тайинлашти, утган ойлар учун эса оломаслигимни айтишди. Шу тўғрисида?

К. Исмоилова,  
Нурота тумани

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига асосан, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эрақлар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Пенсияларни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими тайинлайди.

Ушбу қонуннинг 47-моддаси биринчи қисми "а" бандига мувофиқ, ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшга тўлган кундан эътиборан умрбод тайинланади.

Ушбу қонунда белгиланган ҳуқуқингиздан фойдаланган ҳолда, сизга пенсия ёшга тўлган кунингиздан эътиборан тайинлаштишни талаб қилишингиз мумкин.

### БУВИМНИНГ ВАСИЯТИ ҚОНУНИЙМИ?

Бувим Бетоб бўлиб, туман марказий шифонасининг кардиология бўлимида даволанаётган эди. Тақдир экан, шифонада вафот этди. Борганимизда наватчи шифокор бизга бувимнинг ўлими олдин сўнги васият қолдирганини айтди. Саволим, бундай васиятномалар қонуний ҳисобланадими?

Л. Суярова,  
Шўрчи тумани

— Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим.

Энди кўзининг саволингизга келсак, "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасида нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномалар қайд этилган. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларига яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки наватчи шифокорлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади.

Бундан кўриниб турибдики, бувингиз ўлими олдин қолдирган васиятнома нотариал тасдиқланган ҳужжат кучига эга.

### УЙГА ЧАҚИРИШ МУМКИН

Иккинчи гуруҳ ногирониман. Айни пайтда аҳволим оғир. Менга яшаб турган уйимни мерос қолдиришим учун нотариуснинг тасдиғи керак. Айтинг-чи, мен нотариусни хонадонимга чақирган ҳолда шу ишни амалга оширишим мумкинми?

Ҳ. Самадов,  
Косон тумани

— "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддаси иккинчи қисмига кўра, фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра нотариал идорага бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Саволларга Фуқаролик ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туманларо судининг судьяси Равшан АБДУВАЛИЕВ жавоб берди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Ички бозордан хорижга

✓ Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра ТИФ "Миллийбанк" ҳузурида ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тадбиркорларга ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида жамғарма кўмагида республикамиздаги 130 дан ортиқ кичик бизнес субъекти 6 та халқаро кўргазма ва анжуманда иштирок этди. Эътиборлиси, мазкур ярмаркаларда тадбиркорларимиз қарийб 60 миллион АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилиш бўйича хорижлик ишбилармонлар билан шартнома имзолашиб, қисқа вақтда 34 миллион 600 минг АҚШ долларига маҳсулотни экспорт қилишга улгуришди. Ўтган йилга таққослаганда кўргазмалар 2 тага, экспортга жалб этилган тадбиркорлар 16 нафарга, экспорт шартномалари қиймати 3 бараварга, яъни 39 миллион 500 минг АҚШ долларига ошган. Авваллари хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг пахта толаси, енгил автомобиль, текстиль каби маҳсулотларига харидор бўлган бўлса, эндиликда дунёнинг 80 дан ортиқ давлатида юртимизда пилинган мевага талаб кучаймоқда. Масалан, Германия, Россия, Латвия каби давлатлар бозорлари ўрганилганда уларда 3 миллион тоннадан ортиқ олма, узум, гилос, олхўримизга талаб борлиги аниқланди.

— Биз кўргазмаларда намойиш этилган мева-чева, узум, майизларимизга ишора қилиб: "бунақаси яна қайда бор", дея сўраганимизда хорижлик ишбилармонлар бундай сифатли, мазали маҳсулотлар дунёда кам учрашини

такрор ва такрор таъкидлашди, — дейди жамғарманинг Навоий вилояти бўлими бошлиғи Равшан Маҳмудов. — Биз эса тадбиркорларнинг ташқи бозорни ўрганиши, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турини тизимли асосда бозор талабига кўра таҳлил қилишида яқиндан ёрдам бераёلمиз. Бундан ташқари, маҳсулотга харидор топиш ва уни ташқи бозорга чиқариш билан боғлиқ жараёнлар, шартномаларни тайёрлаш, тузиш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия, сертификат, рухсатнома ва йигимларни олиш бўйича юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилмоқда. Жамғарма кўмагида республикамиз ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган ярмарка, кўргазма ҳамда тендер савдоларида вилоятимиз тадбиркорлари иштироки таъминланапти. Жорий йил февралда Фарғона вилоятига Латвия, Қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг "Ашан", "Магнит", "Метро Кеш энд Керри", "Х5", "Пятерочка" каби халқаро тижорат ташкилотлари, машҳур савдо мажмуалари вакиллари келишган эди. Улар иштирокида экспорт-импорт масаласига бағишлаб ўтказилган икки кунлик давра суҳбатига вилоятимиздан бир қатор тадбиркорлар ҳам иштирок этишиб,

экспорт келишувлари имзолашди. Бу борада Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасининг ўрни юқори бўлапти. Ўтган йилларда айнан ана шу ҳудуд орқали Жанубий Кореяга 200 тоннадан ортиқ гилос экспорт қилинди. Жорий йилдан бошлаб эса хорижга жўнатиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тури ва ҳажми ортиб бораёпти.

Шу ўринда жамғарма томонидан бизга тақдим этилган айрим далил ва рақамларни келтириб ўтсак: жамғарма ташкил этилган 2013 йилда 152 нафар тадбиркорга 5 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулотни экспорт қилиш бўйича хизмат кўрсатилган бўлса, 2016 йилнинг ярим йилида республикамиздаги 1 минг 646 та тадбиркорлик субъектига ташкилий ҳуқуқий ва молиявий кўмак кўрсатилди. 1 миллиард 320 миллион АҚШ доллари миқдоридида экспорт шартномалари имзолашиб, 643 миллион АҚШ доллари ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва етиштирилган турли хилдаги маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Жамғарма фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулотларимизни дунё бозорига янада кўпроқ чиқариш мақсадида Президентимизнинг юқоридида номи қайд этилган қарорига мувофиқ жамғармага хорижда ваколатхоналар очиб ҳуқуқи берилди. Шунга асосан, жамғарма яқин келажақда Россия Федерациясининг Москва, Уфа, Хитойнинг Хаунджоу, Латвиянинг Рига, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳарларида, Сингапур, МДҲ, Осиё ва Европа мамлакатларида ўз ваколатхоналарини очишни режалаштирмоқда.

Зиёдулла МҲМИНОВ,  
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

**САРТЕПА ТУРИЗМ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

Қадрли ватандошлар! Мустақиллик байрами муборак бўлсин. Эрк ва озодлик нуридан мунаввар қалбларингизга меҳр-саховат доимий ҳамроҳ бўлишини истаймиз. Жаннатмақон ўлкамизнинг бахтли ва осуда ҳаётига кўз тегмасин.

**25**

**“ЯНГИБОЗОР ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ” ЖАМОАСИ**

Она-юрт ободчилиги, иқтисодийётимиз барқарорлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча инсонларни истиқлолнинг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Сизларга сиҳат-саломатлик, рўзгорингизга кут-барака тилаймиз. Истиқлол куёши мангу порлайверсин!

# МОҲИЯТ

**Руфат РИСҚИЕВ,**  
бокс бўйича жаҳон чемпиони:

– Отам вафот этганида онам 28 ёшида қолган. Онам эртадан кечгача бизга овқат олиб келиш учун тинмай ишларди. Шу билангина қора қозонимиз қайнаб турарди. Отам вафот этганига уч йил бўлгандан кейин онам бизга мато сотиб олиб келиб, кийим-кечак тикиб берганлиги ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Болалик давримнинг асосий қисми кўчада, яъни маҳалладаги болалар билан кечди. Айнан ўша болалар билан дастлаб акробатика, кейин эса, бокс тўғрисида қатнашдим. Устозим Жексондан дастлабки бокс сабоқларини олганман. Кейин акам Алишер Алексеевич Барановга шогирдликка мажбурлаб олиб борган. Бошида унга шогирд тушишни хошламаганман. Лекин бир томондан яхши бўлган. Кейинчалик мураббий Борис Гранаткин кўлида маҳоратни ўтаганман. Ушанда мени ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам келажакда машхур боксчи бўламан деб ҳаёлимга келтирмаганман.

Бокс – мардлар майдони. Бунда довжорак, ақли спортчилар ғалаба қозонади. Баъзан боксга қизиқиб, машаққатидан, меҳнатидан қочадиган спортчиларга майдонга чиқишга қўрбинг етмаса, бу йўлни танлаб нима қилсан, танладингми, заҳматига чида-да, ўғил бола бўлсанг, нопима дейман.

Спорт тўғрисида дунёнинг 35 га яқин мамлакатда мусобақаларда, халқаро миқёсдаги учрашуларда иштирок этдим. Ҳар бир мусобақа ҳаётимдаги энг унутулмас, энг гўзал лаҳзалардир. Бугун катта-кичик воқеалар спорт тарихида хо-

тира бўлиб муҳрланди. Авваллари бокс ҳақида умуман гапирмасдим. Икки-уч йилдан бери бокс ҳақида гапиряпман. Биласизми, спорт шоу эмас, боксчи рингдаги жанглари ни қандай кечганлигини ўзи яхши билади. Машаққатларини ҳамма билиши шарт эмас.

– **Келинг, суҳбатимизга “лирик” чекиниш қилсак-да, мавзунингизнинг куй-қўшиққа, адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатингизга боғласак...**

– Э, бормисиз, шундай мавзулар-



## ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

**ма волидангиз Тўраҳон ая мени кутиб олар экан, хотираларини эслаб “Руфатжонни мусобақалардан соғ-омон қайтишни иштираш билан юрак ҳовучлаб кутардим. Телевизордан ўйинларини томоша қилар эканман, унга тушган калтак мени бошимга тушгандек бўларди. Ғалабасини эшитсам бўлди, ўша заҳоти елкамдан тоғ ағдарилгандек енгиллашардим. Бугун Руфатжон билан бутун Ўзбекистон фахрланади”, деган сўзларидан таъсирланиб кетдим. Бештиёр инсон барибир оила аъзоларига, қадрдонларига азиз эканлигини юракдан ҳис этдим. Шундай эмасми?**

– Онам ҳар доим мусобақалардан қайтсам, йўлимга югуриб чиқиб: “Ютдингми болам”, деб савол берарди. Ютдим десам, бироз хавотирланарди: “Рақибингни оғирроқ урмадингми, унинг ҳам онаси бор-да”, дердилар...

Адиба УМИРОВА ёзиб олган.  
2008 йил

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Сифат – кафолатни белгилайди

Навоий вилояти ҳокимининг ташаббуси билан жорий йил 1 августдан 1 сентябргача сифат ойлиги ўтказилмоқда.

Бозорлардаги тўкин-сочинлик, бежирим қадокдаги озиқ-овқат маҳсулоти, кундалик эҳтиёж моллари “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остида савдога чиқарилаётгани кўзни қувнатади-да. Боиси, тадбиркорларимиз хорижикидан қолишмайдиган, рақобатбардош экспортбон маҳсулотлар тайёрлашнинг уддасидан чиқишяпти! Бу борада “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида” ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлар ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Сифат ойлиги доирасида “Сифат – ривожланиш асоси ва келажак калити” мавзусида турли субъектлар, бозор, сўт ва сўт маҳсулотларини тартибга солиш савдо расталари, ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва харидорларни маҳсулот сифатини кафолатловчи ҳуқуқий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш мақсадида кенг қамровли ташвиқот-тарғибот тадбирларини амалга оширяпмиз, – дейди Навоий “Синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси раҳбари, Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги O’zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Азим Жўраев. – Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси, корхона ва ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда “Корхонада ISO:9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ менежмент тизимини жорий этишнинг аҳамияти” мавзусида семинар ташкил қилинди. “Энг яхши экспортчи корхона”, “Энг яхши маҳсулот ишлаб чиқарувчи” номинациялари бўйича кўрик-танлов, ойда бир марта вилоятнинг туман ва шаҳарларида сайёр қабул кунларини ўтказиш режалаштирилган.

– Сифатни назорат қилмай туриб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас, – дейди марказ ҳузуридаги аккредитланган синов лабораторияси мудири вазифасини вақтинча бажарувчи Насиба Расулова. – Маҳсулот сифатига бўлган талабнинг ошишини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандарт асосида хизмат кўрсатиш, энерготехмакор ускуналар харид қилиш, замонавий ўлчов воситаларини татбиқ этиш, лабораториямиз ҳамда вилоятдаги аккредитланган синов лабораториялари хизмат доирасини кенгайтириш асосий мақсадимиздир.

Дарҳақиқат, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сифатсиз маҳсулот сотилишининг олдини олиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бозорларда савдо жараёнларида тарозидан тўғри фойдаланиш, маҳсулотнинг яроқлилик мuddати ва сифатига эътибор беришга оид эшиттиришлар узатиш мунтазам йўлга қўйилган. Барча бозорларда “Метрология тўғрисида”ги қонунга асосан, фақатгина давлат реестрига киритилган ўлчов воситаларидан фойдаланиш лозимлигига оид эслатма чиқарилган. Шунингдек, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида ISO:50001 халқаро стандартига мувофиқ, энергонежмент тизимини жорий этиш бўйича консалтатив ёрдам кўрсатилаяпти.

Энг муҳими, бундай хайрли ишлар, нафақат навоийликлар, балки барча юртдошларимиз дастурхонини сара ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мансур АСПОНОВ,  
“XXI asr” муҳбири

РЕКЛАМА



## “АСАКА” БАНК

жамоаси:

Ҳурматли юртдошлар!

Сиз, азизларни барчамиз учун энг улуг ва энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрами билан чин юракдан муборакбод этамиз!  
Сизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!  
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо ва ватандошларимиз хамиша бахтли бўлсин!

Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

### “МУСТАҚИЛЛИК – 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонат турларини қулай шартларда таклиф этади.  
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар              | Код | Телефонлар | Филиаллар                 | Код | Телефонлар |
|------------------------|-----|------------|---------------------------|-----|------------|
| Тошкент шаҳар филиали  | 371 | 120-83-13  | Наманган вилоят филиали   | 369 | 227-15-68  |
| Автотранспорт филиали  | 371 | 120-39-95  | Навоий вилоят филиали     | 436 | 770-21-29  |
| Шайхонтоҳур филиали    | 371 | 140-39-36  | Зарафшон филиали          | 436 | 572-40-14  |
| Юнусобод филиали       | 371 | 221-80-67  | Бухоро вилоят филиали     | 365 | 770-05-19  |
| Сирғали филиали        | 371 | 257-44-10  | Бухоро шаҳар филиали      | 365 | 770-11-27  |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13  | Самарқанд вилоят филиали  | 366 | 233-65-47  |
| Анджон вилоят филиали  | 374 | 223-60-74  | Афросиёб филиали          | 366 | 221-71-76  |
| Асака филиали          | 374 | 233-21-99  | Қашқадарё вилоят филиали  | 375 | 221-07-41  |
| Фарҳод филиали         | 374 | 226-96-63  | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12  |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14  | Қорақалпоғистон филиали   | 361 | 770-60-59  |
| Марғилон филиали       | 373 | 237-62-23  | Хоразм вилоят филиали     | 362 | 228-14-81  |
| Олтиариқ филиали       | 373 | 432-19-80  | Сирдарё вилоят филиали    | 367 | 225-44-03  |
| Кўқон филиали          | 373 | 542-61-01  | Жиззах вилоят филиали     | 372 | 226-43-11  |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
– маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

– эгаллик ва таъсир ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!  
– миқдори чекланмаган!

“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА



## ХАЛҚ БАНКИ

### жамоаси

Мустақиллигимизнинг  
25 йиллиги  
билан барча  
юртдошларимизни  
самимий  
табриклайди!

Банк қуйидаги истеъмол кредитларини тақдим этади:

- мебель, маиший техника, компьютер, ошхона жиҳозлари;
- уй-рўзгор буюмлари;
- автотранспорт воситаларига метан газ мосламаларини ўрнатиш.



Хизматлар лицензияланган

Xalq banki — doim siz bilan birga!

## ҚУТЛОВ

### “Муборак газни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти

озод ва обод диёримизнинг гуллаб-яшнаши  
йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча  
юртдошларимизни энг улуг, энг азиз  
байрам билан самимий қутлайди!



Қалбингиздаги энг эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!

Хизматлар лицензияланган



«ЎЗАГРОСУҒУРТА»  
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

25  
йил

МУСТАҚИЛЛИК  
БАЙРАМИНГИЗ  
МУБОРАК БЎЛСИН!

Кўхна ва навқирон юртимиз фуқароларини энг улуг, энг азиз байрам – мустақилликнинг 25 йиллиги билан муборакбод этади. Миллат келажаги, турмуш фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу амалларингиз бароридан келаверсин.

Хонадонингизга файзу барака, тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз.  
Ушбу шодиёна кунлар шукуҳи қалбларимизни асло тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган

## ИМКОНИЯТ

# Оромбахш маскан


✓ Югур-югур, уй-рўзғор ташвиши, шаҳарнинг шовқин-сурони асабингизни толиқтирганда ўзингизни қаерга қўйишни билмай қоласиз. Ана шунда беғубор табиат қўйнига чиқиб, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгингиз, яшил олам бағрига сингиб кетгингиз келади...



даний-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан икки босқичда ташкил этилган "Намунали маданият ва истироҳат боғи" кўрик-танловида қатнашган жамоамиз биринчи ўринга лойиқ топилди. Жорий йил апрель ойида ўтган республика семинарида эса бир гуруҳ ҳамкасбларимиз қатнашиб, тажриба алмашишгани фаолиятимизни янада яхшилаш ва такомиллаштиришда асқотмоқда.

Богимизда байрам тантаналари аллақачон бошланган, қарийб бир ойдири, богча тарбияланувчилари, ёшлар, нурунийлар ва ишлаб чиқариш ходимлари иштирокида байрамолди тадбирлари ўтказилапти. Истагимиз – богимизда бўлган ҳар бир киши яна келишни орзу қилсин.

**Мансур ҲАМИДОВ,**  
**Навоий шаҳридаги**  
**Алишер Навоий номи**  
**марказий маданият ва**  
**истироҳат боғи директори**



Юртимизда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариб, дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бундай хайрли ишларга қанот бағишлади. Мазкур қарор асосида вилоятимизда 32 та маданият ва дам олиш маркази ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи фойдаланишга топширилди. Навоий ва Зарафшон шаҳридаги истироҳат боғларида замонавий аттракционлар, дам олиш шохобчалари, чўмилиш ҳавзалари, аквапарк ишлаб турибди.

Кези келганда айтиш жоизки, маданият ва истироҳат богимиз замон талабига жавоб бермай қўйганди. Эски аттракционлар, ошхона ва кафелар сайр қилувчиларда нохуш кайфият уйғотар эди.

Бугун эса манзара бутунлай бошқача. 126 гектарни эгаллаган мазкур богимизда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 21 гектарида сунъий кўл, 2 минг 400 ўринга эга ёзги амфитеатр, миллий ўйинлар ва кураш майдонлари ташкил қилинди. Рақсга тушувчи ранго-ранг фавворалар эса болажонларга олам-олам завқ улашаётир. Айниқса, 6 гектарлик ҳудудда бунёд этилган замонавий сув майдони баҳра олмоқ истагидагилар билан ҳаммаша гавжум. Ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун 11 миллиард 500 миллион

**НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙ**  
**НОМИЛИ МАРКАЗИЙ**  
**МАДАНИЯТ ВА**  
**ИСТИРОҲАТ**  
**БОҒИ ЖАМОАСИ**

*Сиз, азизларни*  
*Истиқлолнинг*  
*25 йиллиги билан*  
*муборакбод этиб, келгуси*  
*ҳаётингиз ва фаолиятингизда*  
*янги зафарлар тилайди.*  
*Байрам шуқуҳи қалбларингиз*  
*ва хонадонларингизни*  
*асло тарк этмасин!*

**Асхор ИСТАМОВ,**  
"XXI аср" мухбири

**Аъзам ҚОДИРОВ**

### О'zLiDeP ЛОЙИХАЛАРИ

✓ – Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбат туфайли бугуннинг аёли ҳар жабҳада, фаол, – дейди нурободлик ёш тадбиркор Зулфизар Нурмўминова. – Ўзимдан қиёс: жорий йилда О'zLiDePнинг "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага" лойиҳасида иштирок этиб, "Халқ банки" туман филиалидан 21 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, миллий либослар тикишни йўлга қўйгандим. Ҳозирда уйда бўш ўтирган 4 нафар хотин-қизни ишга олиб, биргаликда меҳнат қилмоқдамиз. Юрт равнақига оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз.

## Ибрат маликалари

Дарҳақиқат, "яхшилиқнинг қаноти кенг", деб бежиз айтишмаган. Ишбилармонлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аёллар фаоллигини кенгайтириш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган О'zLiDeP ана шу эзгу гоя асосида жойларда бир қанча тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага", "Соғлом оила – мустаҳкам оила", "Фермер аёллар", "Ишбилармон аёл" лойиҳалари доирасида Зулфизарга ўхшаган қрибият эгалари кашф этилмоқда. Масалан, биргина жорий йилнинг олти ойи давомида 1 минг 400 га яқин ана шундай тадбир ташкил этилди. О'zLiDeP лойиҳаларидан кўзланган мақсад – хотин-қизларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмасини шакллантириш, чекка ҳудудларда яшовчи аёлларнинг жамият иқтисодий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, энг фаол тадбиркорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Хусусан "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага" лойиҳасини олайлик. Унинг туман ва шаҳар босқичларида 245 нафар хотин-қиз голиб топилиб, уларга 4 миллиард 420 миллион 549 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу эса 893 та янги иш ўрни яратишига асос бўлди.

– Яқинда ушбу лойиҳанинг вилоят босқичида қатнашиб, "Агробанк" туман филиалидан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим, – дейди Иштихон туманидаги "Эргашхон парандалари" фермер хўжалиги раҳбари Сайёра Музаффарова. – Айни пайтда 30 гектар ерда пахта, галла етиштиряпмиз. Балиқчилик, қўвчилик қаторида келажақда чорва молларини кўпайтириб, сут ва сўт маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ташкил этиш ниятимиз бор.

Эндигина коллежни битирган йилгит-қизларнинг ушбу лойиҳа сабаб тадбиркорликнинг бошини тўтиб, ота-онаси қаторида оила таъминотига ўз ҳиссасини қўшаётгани, энг муҳими, ўзига ва келажаққа ишончи ортаётганини уларнинг юз-кў-

зидан билиш қийин эмас. – Ишбилармон аёлларимизга, уларнинг шижоати ва изланувчанлигига ҳавас қилса арзийди, – дейди Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Севара Муслимова. – Биргина "Ишбилармон аёл" лойиҳаси доирасида 200 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда 11 мингга яқин хотин-қиз иштирок этди. Энг илғор қорхоналар раҳбарлари партиянинг махсус совғаси билан тақдирланди.

Деҳқон бой бўлса, юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлади. Шу боис яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, тинмай изланаётган, тоғ-тоғ хирмон кўтарётганлар сафида ҳам аёллар кўпчилигини ташкил этмоқда.

"Фермер аёллар" лойиҳаси доирасида ўтган 170 та тадбирда 1 минг 702 нафар фермер хотин-қизнинг фаол иштирок этгани ана шундай хулосага келишимизга сабаб бўлмоқда.

– Сўнгги йилларда аграр соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда, – дейди Олтинкўл туманидаги "Олтинкўл орзу умиди" фермер хўжалиги раҳбари Ҳуснида Аҳмедова. – Бозорларимиздан йилнинг истаган фаслида мева ва полиз маҳсулотини харид қилиш мумкин. Фермер хўжалигимизга қарашли 64 гектар ерда пахта ва галла етиштирямиз. Полиз, сабзавот маҳсулотларимиз ҳам харидорғир. Қўрқ нафар ишчимизнинг меҳр билан ишлаши натижасида яхши ҳосил кўтариб, ўтган йилни 30 миллион сўм соф фойда билан аяқуладик.

#### Сўнгги сўз ўрнида:

*Энг муҳими, бугун меҳнатидан роҳат толиб, дорилламон кунларга шўкрона айлаётган замондошларимизнинг тилида "ўз маҳсулотим", "ўз бизнесим", "ўз мулким" каби эгаллик ҳиссини ифодаловчи сўзлар кўп тақдорланмоқда. Зеро, истиқлол ва у берган имоният туфайли мулкча оқилона соҳиблик қилиб, аёллар ўзларининг нималарга қодир эканини кўрсата олаётганимиздир. О'zLiDeP лойиҳаларидан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу!*

**Дилноза НОМОЗОВА,**  
"XXI аср" мухбири

## Совға – имтиёзли кредит

О'zLiDePнинг "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага" лойиҳасининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Унда тадбиркорлик соҳасида ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган ёхуд кенгайтириш ниятидаги фаол хотин-қизларга банкдан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

### БУХОРО

Партиянинг Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан тегишли ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад – хотин-қизларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни бизнес фаолиятини тўғри ташкил этишга ўргатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлис Акрамова, вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин қизлар қўмитаси раиси Зулфия Тўйева ва бошқалар истиқлол йилларида соҳага оид ҳуқуқий асос яратилиб, хайрли ишлар амалга оширилгани хусусида сўз юритишди.

Жорий йилнинг ўтган ярим йилида ушбу лойиҳа

доирасида 877 нафар хотин-қизга тижорат банкларидан 35 миллиард 623 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу эса 560 нафар фуқарони иш билан таъминлаш имконини берди.

Айтиш жоизки, тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишланган бежирим миллий либослар, каштачилик буюмлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

– Лойиҳада голиблиқни қўлга киритиб, "Микрокредитбанк" дан 30 миллион сўмлик кредит олдим, – дейди Ромитан тумани "Зебинисо Юлдузхон" МЧЖ раҳбари Зебинисо Остонова. – Замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган либосларимизга талаб юқори. Айни пайтда 10 нафар киши доимий иш ўрнига эга.

Тадбир сўнггида кўплаб ишбилармон аёлларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

### АНДИЖОН

– Лойиҳанинг Андижон вилояти босқичида 66 нафардан зиёд оилавий тадбиркорлик субъектлари иштирок этиш учун йўланма олди, – дейди О'zLiDeP вилоят Кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари Хуришдаҳон Халилова. – Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркор хотин-қизларнинг сафини янада кенгайтириш бизнинг асосий мақсадиимиздир. Шунинг учун иштирокчиларга оилавий тадбиркор-

ликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, яратилган имтиёз ва преференциялар, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Лойиҳа голиблиқдан бири, қўрғонтепалик ёш тадбиркор Роҳатой Абдурахмонова "Халқ банки"нинг туман филиалидан 10 миллион сўмлик кредит олиб, иш фаолиятини кенгайтиришга тушди.


Ҳа, бугуннинг аёли изланувчан, ишбилармон. Улар яратётган маҳсулотлар барчамизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотиши шубҳасиз.

РЕКЛАМА

**БУХОРО ШАҲРИДАГИ “САЛОМАТЛИК  
МАСКАНИ ШИФОХОНАСИ” ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз халқини энг улуг, энг азиз  
байрамимиз бўлган Мустақилликнинг  
25 йиллиги билан самимий табриклайди.

Юртимизни файзу барака,  
қалбларимизни меҳр-оқибат ва  
шукроналик туйғуси асло  
тарк этмасин, азизлар!



ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Реклама ўрнида

**Сарҳадсиз кенгликлар  
бағрида**

✓ Саратонда ҳарорат энг юқори даражага кўтарилиб, қумга кўмилган тухум ҳаял ўтмай пишиб қоладиган кунларда Қизилқумда бўлганмисиз? Бундай пайтларда сарҳадсиз барханлар узра ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлади, гўё. Кўз олдингизда сароб жимирлайди. Ҳатто қурт-қумурсқалар ҳам салқин жой излаб, қум бағрига сингиб кетади. Аёзли қиш фаслида эса бунинг аксига дуч келасиз. Бинобарин, чўл бағрида яшаб, меҳнат қилишнинг ўзи катта жасоратдир.

— Жамоамиз асосан Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Томди туманларида яшовчи аҳоли хонадонларига “зангори олов” етказиб бериш билан шуғулланади, — дейди “Фарбгазтаъминот” унитар корхонаси “Зарафшоншаҳаргаз” филиали раҳбари, Халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Маҳмуд Нормаматов. — Филиалимиз тасарруфида 195 километрга яқин ўрта ва паст босимли газ қувурлари, шунингдек, 124 та газ тақсимлаш қурилмаси мавжуд. Зарафшон шаҳридаги 20 дан зиёд йирик улгуржи истеъмолчи ва кўп қаватли уйларда яшовчи 18 минг 500 та хонадон аҳолиси хизматимиздан баҳраманд. Куз-қиш мавсумида табиий газ узлуқсизлигини таъминлаш мақсадида 6 километрга яқин газ қувурлари ва 112 та газ тақсимловчи қурилма қайта таъмирланди. Учқудуқ туманида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган “Истиқлол” ва “Йўлчилар” кўрғонида 9 та газ тақсимлаш қурилмаси ва 8 километрлик табиий газ қувурлари, Томди туманидаги “Абай” ва “Шарқ” мавзеларида эса 4 та газ тақсимлаш қурилмаси ва 11,5 километрлик табиий газ қувурлари фойдаланишга топширилди. Бу ишларни амалга оширишда ўз касбининг устаси Фарҳод Усмонов, чилангарлар Озод Гадов, Жасур Калонов, Анвар Тоиров, Ермат Омонов, монтажчи Феруз Болтаев,

пайвандчи Жаҳонгир Раҳмоновнинг ҳиссаси катта. Умуман, филиалимизнинг 96 нафар ишчиси ва муҳандис-техник ходимлари бурчларига масъулият билан ёндашиб, зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этишмоқда.

Қолаверса, ҳудуд аҳолисини суюлтирилган газ билан мунтазам таъминлаш ҳам диққат марказида. Филиал бош ҳисобчиси Аброр Исмоиловнинг таъкидлашича, бугунги кунда 50 килограммлик маиший газ баллонлари қишлоқ хонадонларига шартнома асосида тарқатилган. Йилга суюлтирилган газ 180 километр узоқликдаги Конимех газ таъминоти шохобчасидан ташиб келтирилар эди. “Фарбгазтаъминот” унитар корхонаси томонидан ўтган йили Томди туманидаги “Ақтақир” фермер хўжалиги ҳудудида барпо этилган газ тўлдириш шохобчаси газчилар мушқулини анча енгиллаштирди.

— “ISUZU” русумли автобус аҳоли хизмати учун ажратилган. Оқил Адизов бошчилигидаги Оринбосар Елмуратов, Азамат Ҳамроев сингари ходимларимиз суюлтирилган газни пешма-пеш етказиб беришмоқда, — дея сўзини давом эттиради М. Нормаматов. — Томди туманидаги “Аяққудуқ” овули аҳолисига газ етказиб бериш учун кунига 500 километр, Учқудуқнинг “Мингбулоқ” овул фуқаролар йиғинига бориб келиш учун эса 540 километр йўл босиш лозимлигини инобатга олсак, иши-

мизнинг қийинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Дарҳақиқат, филиал жамоаси қийинчиликларни енгиб, чўл бағрида очилган 21 та махсус шохобча орқали бир-бирдан юзлаб километр узоқликда жойлашган овуллардаги 3 минг 252 та хонадонга намунали хизмат кўрсатмоқда. Маҳаллий аҳоли бундан беҳад мамнун.

— Моддий ва маънавий рағбат инсон фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омилдир, — дейди филиал касаба уюшма ташкилоти раиси Ҳусайн Муҳаммедов. — Биз шуни назарда тутиб, ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Турли байрамлар арафасида уларга совға-салом, пул мукофоти улашамиз, соғлиқларини тиклаб, дам олиши учун юртимиздаги санаторийларга йўлланма берамиз. Шу йилнинг ўзида уч нафар ходимимиз республикамиздаги “Чинобод”, “Бўстон” ва “Геолог” сўхатгоҳларида соғлиқларини тиклаб қайтишди. Мустақилликнинг 25 йиллик байрами арафасида 6 киши “Фарбгазтаъминот” унитар корхонасининг касаба уюшма ташкилоти, шунингдек, филиал маъмуриятини томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ҳаракатда — баракат, дейдилар. Чиндан ҳам жамоа аъзоларининг касбга садоқати туфайли ҳудудда истиқомат қилаётган чорвадор, кончи ва саноатчилар хонадонидан рўзгорнинг беминнат дастёри — “зангори олов” домий порлаб турибди. Оиласидан кўнгли хотиржам томдилик чорвадорлар дастурхон тўкинлигини таъминлаш, Учқудуқ ва зарафшонлик олтинтопарлар эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Шунинг ўзи она-юртга меҳр, келажакка бўлган юксак ишончдан далолат беради.

Мансур АСЛОНОВ,  
“XXI asr” мухбири



**“ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ”  
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

Серқуёш Ўзбекистон аҳлини  
улуг ва азиз байрамимиз —  
**Мустақилликнинг**  
**25 йиллиги**  
билан самимий  
муборакбод этади.  
Хонадонларингизга  
тинчлик-осойишталик,  
дастурхонингизга қут-барака  
тилаймиз. Юксалиш ва  
тараққиёт йўлидаги эзгу  
интилишларингизда  
муваффақият  
ёр бўлсин, азизлар!



Хизматлар лицензияланган

Махсулотлар сертификатланган

Томди туманидаги “Аяққудуқ” овули аҳолисига газ етказиб бериш учун кунига 500 километр, Учқудуқнинг “Мингбулоқ” овул фуқаролар йиғинига бориб келиш учун эса 540 километр йўл босиш лозимлигини инобатга олсак, ишимизнинг қийинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

## ИФТИХОР

# Бектемир Мелиқўзиёев – “Фарғона йўлбарси”

Телеэкран орқали олис Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларини томоша қилар эканмиз, мамлакатимизнинг энг ёш, энг иқтидорли боксчиси Бектемир Мелиқўзиёевнинг шиддатли жанглари, кучли зарбалари билан жаҳоннинг мана-ман деган спортчиларини ҳам эсанкиратиб қўйганига қойил қолган шерикларимиздан бири: “Отанга раҳмат, азамат, ҳақиқий Фарғона йўлбарси экансан-ку!” деб юборди. Аслида у ҳаммамизнинг дилимиздаги, тилимиз учда турган гапни толиб айтган эди.

Биз-ку, оддий муҳлис, ҳайрат, ҳаяжонимиз шунчалик, шундай ёшқир йигитни тарбиялаб вояга етказган ота-онаси, мурабийлари шу тоғда қандай ҳис-ҳаяжонни бошдан кечирмоқда экан? Ана шу ҳайрат ва қизиқиш шу йилнинг апрелида навқирон 20 ёшни тўлдирган “чарм қўлқоп” устаси, Олимпиаданинг кумуш медалини қўлга киритган Бектемир шоҳсулага кўтарилган кундан икки кун ўтар-ўтмас бизни Фарғонанинг Фурқат туманидаги Шойимбек шаҳарчасига етказди.

Мелиқўзиёевлар хонадони шундоқ шаҳарчага кираверишда, пахтазор бўйида жойлашган, эл қатори қурилган, оддий, ҳашамдан холи, аммо, барча қўлайликларга эга, бог-роғли, гулу гулзорли, жамбилу райхонлар буй таратиб ётган файзли, тароватли, бир гўша экан. Дарвоза рўпарасидаги сўриток остида

сутдек оппоқ “Нексия” ярақлаб турибди.

Остона ҳатлабоқ бу ерда диду диёнатли, серҳавас одамлар яшашини сезиб олиш қийин эмас.

– Қўш келибсизлар! – дея туриш-турмуши худди Бектемирга ўшаб кетадиган йигит бизга пешовоз чиқди.

– Сиз Бектемирнинг?..

– Кичик акаси Мавлонжон бўламан, – дейди юзи-кўзи чарақлаган йигит.

У бизни айвон пастидидаги стол атрофига таклиф қилди. Қўлини кўксига қўйиб, бир пилладан қайноқ чой узатди.

Хонадон соҳибларини сўраймиз.


– Дадам ва аям, укамнинг биринчи мурабийи Маъруфжон ака ҳозиргина Бектемирни кутиб олиш учун Тошкентга жўнаб кетишди...

Пилладаги чой яримламасдан дарвозанинг кичик қаноти очилиб, яна уч-тўрт чоғли меҳмонлар кириб келишди.

– Мавлонжон чарчамадингизларми? – дейди олти-миш ёшлар чамасидаги нуруний киши.

– Муҳаммаджон ака Узоқов – яқин қариндошларимиздан, – дея таништиради Мавлонжон. – Булар эса Гулчехра опа Зоҳидова, укамнинг биринчи ўқитувчиси – қирқ-эллик ёшлар чамасидаги юзидан нур ёғилиб турган аёлга ишора қилиб. – Бу Бектемирнинг қадрдон дўсти, Осиё чемпиони, Ўзбекистон чемпиони Фазлиддин Мелибоев. Укам билан Қўқон педагогика институтида бирга ўқийди.

– Кеча оқшом ҳаммамиз шу ерда эдик, – дейди Муҳаммаджон ака. – Маҳалла-қўй, қариндош-уруғ, кўни-қўшиллар биргаликда Олимпиада ўйинларини томоша қилдик. Шаҳарчанинг саккиз жойи, саккиз маҳалласига ўрнатилган кенг экранли телевизорлардан шойимбекликлар Бектемирнинг чиқишини берилиб кўришди. У кумуш медалга эришиб, шоҳсулага таклиф этилганда кўзимизга ёш келди. Маҳаллалардан янграган ҳайқириқлар шаҳарчани тугиб кетди. Хонадон соҳиблари Рўзиматжон акам билан Наврўзжон опамнинг қувончдан йиллаганларини кўрсангиз... Бектемирнинг эришган ютуғи, умуман Олимпиададаги ҳамюртларимизнинг мисли қўрилмаган галабаси бутун туманимиз, вилоятимиз



ахлини ниҳоятда қувонтирди. Тонгтаргача табриқловчиларнинг қадами узилмади. Вилоят, туман ҳокимлари келиб, акам билан опамга “Шундай мард, жасур, фидойи ўғлонни вояга етказганингиз учун мингдан-миг раҳмат!”, деб совға-салом бериб кетишди.

– Тўғри, – суҳбатимизга қўшилиди Мавлонжон. – Бектемир Ўзбекистон чемпиони бўлганда, Осиё чемпионлигини қўлга киритганда, Жаҳон чемпионати голиби бўлганда, ёшлар ўртасида Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритганда, Президентимизнинг эътирофига эришиб, “Шухрат” медали билан тақдирланганда ҳам барча қариндош-уруғ, ёру-биродарлар йигилиб нишонлаганмиз. Аммо, буниси бош-

қача бўлди. Ҳақиқий байрам бўлиб кетди.

– Дўстим жуда тиришқоқ йигит, – дейди Фазлиддин фахр билан. – Тренеримиз Маъруфжон Аҳмедовнинг айтганини вақтида бажаради. Кеча-ю кундуз машқ қилишдан, ўз устидан ишлашдан чарчамайди.

– Шундай ўқувчимиз борлигидан фахрланамиз, – дейди Гулчехра опа.

– Умуман олганда, Мелиқўзиёевлар оиласини шаҳарчамизда, туманимизда спортчилар оиласи дейишди, – гапни олади Муҳаммаджон Узоқов. – Оила бошлиғи Рўзиматжон Сулаймонов жисмоний тарбия ўқитувчиси, акалари Шерқўзи Сулаймонов ёши ўтиб қолганига қарамай, яхшигина футболчи. Бектемирнинг акалари Рўстамжон, Мавлонжон ҳам футбол деса ўзини томдан ташлашади. Улар оилавий футбол командаси тузишган. Яқинда виллоят миқёсда ўтказилган “Соғлом оила” спорт мусобақасида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллашди.

– Бир сўз билан айтганда, дўстим Бектемирнинг бу галабаси унинг энг улуг, энг азиз байрамимиз – мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб совғаси бўлди, – дейди Фазлиддин Мелибоев.

Энг чиройли гапни Мелиқўзиёевлар хонадонидан чиқиб, йўловчи “Дамас” га ўтирганимизда эшитдик.

– Ҳай, эгачи, – деди ўрта ёшли аёл ёнидаги шेरинига. – Кеча телевизор кўрдигинизми? Рўзиматжон акамнинг ўғли Бектемир Олимпиадада голиб чиқиб, бутун дунёни ўзига қаратди-я! Қизим бўлганида шу йигитни жон-жон деб қув ёқилардим-да.

– Нимасини айтасиз, – деди рўмолини бошига дол қўйиб, кулча юзли аёл. – Уч кун аввал келишимнинг кўзи ёриганди. Ўғлим: “Исмими нима қўйлик?”, деб сўраганди, Бектемир қўйинлар, ўша йигитга ўхшаб юрсин, дедим...

Али ЗИЁД.  
Адҳам МИРСАИД.

**Мустақиллик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

**“Агробанк” АТБ жамоаси юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан самимий қутлайди. Ватанимиз ҳамisha тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам тўхфаси сифатида “Истиқлол – 25” номли омонат турини таклиф этади.**

www.agrobank.uz  
тел (+99871) 203 88 88

**AGROBANK**  
Хизматлар лицензияланган

## “Qishloq Qurilish Bank”

**барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан чин дилдан табриқлаймиз. Сизларга мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда муваффақият тилаймиз.**

**Фурсатдан фойдаланиб, Сизга янги омонат турларини таклиф этамиз.**

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

**“Мустақил юртим” – омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.**

Омонатга ҳисобланган фойзалар хар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

**«Комфорт» – омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.**

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**“Мадад” – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;**

**“Қурилишга бошланғич бадал” – муддати 1 йил.**

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**


### СИЗНИНГ ОМОНАТИНГИЗ:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун тел.: (0-371) 150-72-58, 150-39-93,  
[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

**КИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК – ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!**

Хизматлар лицензияланган.



MUASSIS:  
TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR  
HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON  
LIBERAL-  
DEMOKRATIK  
PARTIYASI

**ASR**  
ILTIMOIY-SIYOSIY GAZETA  
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

### Тахрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ Қувондиқ САНАКУЛОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ Тулқун ЭШНАЗАРОВ  
Алишер СУЛТОНОВ Аҳам ШОДМОНОВ  
Абдумажид КАРИМОВ Расул КУШЕРБАЕВ  
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК  
Иқбол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz

Телефонлар:  
қабулхона – 215-63-80  
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17  
Режама ва шартнама-  
лар бўлими – 215-60-45,  
255-68-50

“XXI asr” иқтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлигидан 2016 йил 8 апрелда  
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида chop этилди.

### Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 6 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 866 Тираж: 8380  
Баҳоси келишилган нархда. Тоширишди – 22:00

Тахрират келган қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда мана  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Режама материаллари учун тахрират  
жавобар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан санифаланди.

ISSN 2151-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5

Навбатчи муҳаррирлар:  
Б. Н. РОДИЛОВ, А. С. ЮМОВ